

**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИ
ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ****Турсунов Акрамжон Баходиржон ўғли**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси
ўқитувчиси<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544585>

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятида олиб борилаётган ислохотлар, маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнат орқали тарбиялаш жараёнидаги тадбирлар ва мазкур тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўз: жазони ижро этиш муассасаси, ижтимоий фойдали меҳнат, маҳкумлар тарбияси, жиноят-ижроия кодекси, меҳнат кодекси, иш вақти, жазо муддати.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида нафақат фуқароларимиз ва мамалакатимизда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари, балки ўзларининг билиб-билмай қилган жиноятлари натижасида одил суднинг ҳукми асосида жазони ижро этиш муассасаларида белгиланган жазо муддатларини ўтаётган шахслар учун ҳам бир қатор имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканлиги, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган ҳолатларда бир сўз билан айтганда А.К. Янгибаев таъкидлаганидек, Ўзбекистон қонунчилигига сўнгги йилларда киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган[1] ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган[2].

Шундай экан, ҳар бир фуқаро қандай шароит ва вазиятда бўлмасин, унинг қонун билан белгиланган ҳуқуқлари амалга оширилиши, ҳимоя қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида маҳкумни ахлоқан тузатиш — унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборатлиги, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва хунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири кириши аниқ қилиб белгилаб қўйилган[3].

Ш.Қушбоқов фикрича, Жазони ижро этиш муассасалари ҳам Ички ишлар органининг бир тури ҳисобланади [4] ва муассасанинг асосий мақсади маҳкумларни қайта тарбиялаш ҳисобланади ҳамда маҳкумларни тарбиялашнинг асосий воситаси меҳнат ҳисобланади. Шу боис, Жазони ижро этиш муассасаларида меҳнат маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жараёнидаги энг таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумнинг меҳнатини

ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки маҳкумларнинг меҳнاتини тўғри ташкил этиш орқали унинг меҳнатга ижобий муносабатини шакллантириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳам 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 4006-сон Қарорида “маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш”га эътибор долзарб муаммо эканлигини таъкидлаб ўтилган[5].

Маҳкум шахслар онгида қонунга итоаткор хулқ-атвор билан бир қаторда меҳнатга ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантирилишига эътибор қаратилишининг сабаби маҳкумда шакланган меҳнатга бўлган ҳурмат унинг ахлоқан тузалганлигининг белгиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳкум шахсларни меҳнатга бўлган ижобий муносабатини юксалтиришда уларнинг меҳнاتини тўғри ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнати”га оид алоҳида боб ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборатлиги, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борица, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилиши, маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан, Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солиниши, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилиши, маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмаслиги, олтмиш ёшдан ошган эркаклар, элик беш ёшдан ошган аёллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этилишлари, маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонунчиликда белгиланган муддатга ишдан озод қилинишлари, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонунчилик билан белгилаб қўйилиши, маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шартлиги, уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низоларни ҳал этиш мақсадида ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланиши аъий белгиланган.[6]

Маҳкумларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро норматив-ҳужжатларга асосланган ҳолда амалга ошириб борилади. 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 3-пунктини 8-моддасида суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг бажараётган ишлари мажбурий меҳнат тоифасига киритилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун

махкумни меҳнатга жалб қилишда мажбурлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳозирги кунда меҳнат орқали тарбиялаш жинойй жазоларни ижро этишда маҳкумларни ахлоқий тузатиш ва тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб келмоқда. Жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб қилинмаган, иш билан банд бўлмаган маҳкумлар сонининг кўпайиши муассасалардаги вазиятнинг барқарорлигини издан чиқишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасида ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозимлиги кўрсатилган[7].

Жиноят-ижроия кодексининг 90-моддасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланиши, маҳкумларнинг иш вақти режимини жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ишлаб чиқариш хусусиятига қараб белгилаши, маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилиши, иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда вояга етмаган шахслар, шунингдек биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш шартлиги, маҳкума ҳомиладор аёллар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор аёллар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинмайдиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкинлиги, мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкинлиги ҳамда маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланиши[8] кўрсатиб қўйилган.

Меҳнатнинг маҳкумларга ахлоқий тузатувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатишида ва уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда қуйидаги шартларнинг бажарилиши муҳим ҳисобланади, яъни:

- а) жамиятда ўрнатилган меҳнат ва ижтимоий нормалар асосида маҳкумни меҳнатга жалб этиш
- б) маҳкумларнинг меҳнاتини умумжамият меҳнатидан фарқ қилмаган ҳолда ташкил этиш;
- в) маҳкумларни меҳнатга жалб қилишда мажбурлаш усулларида фойдаланмаслик лозим.

Республикамиздаги мавжуд меҳнат кодекси барча фуқаролар учун бир хил ҳаракатда бўлади, лекин манзил-колониалардаги маҳкум шахсларни ишга қабул қилиш, ишдан озод қилиш ёки бошқа ишга ўтказишда, муассаса маъмурияти ҳар бир маҳкумни ўз

касб фаолияти, хунари ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиради. Энг аҳамиятли жиҳати ҳам шундаки, манзил-колонияга кўчирилувчи маҳкумлар, албатта, бирор бир касб-хунарга эга бўлиши лозим. Манзил-колония маъмурияти маҳкумни бошқа мутахассислик бўйича ишга ўқитиб, уни ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Маҳкумларни иш билан таъминлаш жазони ижро этиш муассасаларида ёки улардан ташқарида иш ўринларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади[8].

Манзил-колониядаги маҳкумлар колония ҳудудидан ташқарида ҳам меҳнатга жалб этилишлари мумкин. Маҳкумларни манзил-колония ҳудудидан ташқаридаги меҳнатга жалб этиш уларнинг ҳар куни манзил-колонияга қайтишларини таъминлаган ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумлар одатда, жазони ижро этиш муассасаси ҳудудидаги хўжалик ишлари билан машғул бўладилар, баъзи ҳолларда истисно сифатида маъмурият рухсати билан бошқа корхоналарда ҳам ўз мутахассислиги бўйича шартнома асосида унинг шахсий хавфсизлиги ва доимий назоратда бўлиши, ётоқ жой билан таъминланган ҳолда бошқа ҳудудда, бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасида меҳнат қилиб фаровон турмуш кечириш мумкин эмас деган ижтимоий фикр мавжуд. Шу сабабли жазони ижро этиш муассасалари ходимлари меҳнат орқали тарбиялашда “маҳкумларда ижтимоий-фойдали меҳнат шахс ҳаётида унинг фаровон турмуш кечиришига асос бўлиб хизмат қилувчи энг муҳим омил эканлигига ишончни, меҳнатга нисбатан ҳалол муносабатда бўлишни шакллантиришга”[9] ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун маҳкумларни меҳнатга жалб қилишда уларнинг ёши, имконияти, қобилиятлари, қизиқишлари, мутахассисликлари каби жиҳатлари инобатга олинади.

Жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлаш борасида вазирдик, идора, ташкилот ва бошқа муассасалар ўз ваколатлари доирасида иш олиб борадилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлайди, ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўради, ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлайди, корхона, муассаса ва ташкилотларни маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб беради, корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб беради[10].

Маҳкумлар орасида меҳнат тарбияси юқоридаги талабларга жавоб берадиган қилиб ташкил этилса уларда “меҳнат қилишга онгли муносабат, меҳнатга бўлган кўникма ва малакаларини шакллантириш ёки мустаҳкамлаш”[11] мумкин бўлади.

Маҳкумларнинг меҳнати ижтимоий фойдали меҳнатнинг асосини ташкил этиши алоҳида аҳамият касб этади. Жазони ижро этиш муассасаларидаги ободончилик, тозалов, яшаш ва хизмат хоналарини таъмирлаш ишлари, турли кўргазмали қуроллар, стол-стуллар, мебеллар, кийим-кечаклар, идиш-товоқлар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ижтимоий фойдали меҳнат ҳисобланади. Маҳкумлар ўз меҳнатининг натижаси бошқалар учун ҳам фойдали эканлигини кўрганда, ўз меҳнатидан

роҳатланиш, фахрланиш ҳисси пайдо бўлади. Бу эса маҳкумларда ижтимоий фойдали меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиради.

Ўтган асрнинг 30 йилларида собиқ иттифоқда жазони ўташ муассасаларида меҳнат жамоалари, маҳкумларнинг қурилиш отрядлари ва меҳнат колонналари ташкил этилиб, меҳнат мусобақалари йўлга қўйилган. Бунда асосий эътибор маҳкумларни қайта тарбиялашнинг асосий шакли сифатида уларнинг меҳнатидан фойдаланишга қаратилган. Меҳнат тузатиш муассасаларида бутун диққат эътибор социалистик мусобақалар, маданий- оммавий ишлар, умумий ва касб-хунар таълимига қаратилади. Меҳнат тузатиш муассасаларининг бош бошқармасининг раҳабарлари қайта тарбиялашда мусобақаларнинг ва зарбдоликнинг имкониятларини юқори баҳолашган. “1933 йилнинг бошларида барча ишлайдиган маҳкумларнинг 30 дан 75% гача зарбдорлик билан қамраб олинган эди. 1934 йил 1 июлигача мусобақаларда 90 % иштирок этди, уларнинг 70% зарбдорлар эди”. Пенитенциар педагог В.Г.Стуканов: “...меҳнат тузатиш лагерларини ривожланишининг маълум бир босқичида маҳкумларнинг меҳнат жамоалари ижобий рол ўйнади. Лекин кучайтирилган жазоловчи сиёсат шароитида меҳнат жамоалари батамом тугатилди” деб ёзган[12, с.34].

Маҳкумлар ҳаётида меҳнат орқали тарбиянинг ўрни яна шу нарса билан белгиланадики, меҳнат маҳкумларни ахлоқи тузалган, она ватанга фойдаси тегадиган, соғлом фикрли инсон қилиб жамиятга қайтариш вазифасини ҳам ўтайди. Бу вазифани бажариш учун эса жазони ижро этиш муассасалари, у ерда ташкил этилган корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари замонавий техника билан жиҳозланган бўлиши, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар муассаса ташқарисида фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхона ва фирмалари билан рақобатлаша оладиган ва бунинг натижасида муассасанинг маҳсулотларига талаб ички ва ташқи бозорда юқори бўлиши лозим. Бу эса маҳкумларда юқори малакали мутахассис сифатидаги кўникмаларини шакллантиришда, кўникмага эга маҳкумларнинг ўз кўникмаларини йўқотмасликка ва аксинча янада мустаҳкамлаб боришида, яратувчанлик қобилиятларини шакллантиришда, жазо муддатларини ўтаб озодликка чиққанларидан сўнг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун кўпроқ имкониятга эга бўлишларида ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатларини ўтаётган маҳкумлар учун меҳнат орқали тарбиялаш жараёнида уларга касб-хунар ўргатиш, уларни ишлаб чиқаришнинг маълум бир тури бўйича мутахассис қилиб тайёрлаш мақсадида вазирлик, идора, ташкилот ва уюшмалар ҳамкорлигида доимий равишда чоратадбирлар амалга ошириб келинмода.

References:

1. ЯНГИБАЕВ А.К. УЧАСТИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ (ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА) //Право и жизнь. – 2016. – №. 10-12. – С. 118-130.

2. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL:<http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодекси URL:<http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
10. Исмаилов И, Юлдашев М., Мирзараимов И. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010, 120-б.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
12. Зауторова Э.В. Пенитенциарная педагогика. Курс лекций, Вологда: ВИПЭ ФСИН России 2012. – 187 с.
13. Стуканов В.Г. Исправительная педагогика: учебное пособие.-Минск, Академия МВД., 2013. стр -30, -34, -128